

---

Қурбон ҳайити намози адо этилмайди, ўрнига уйда Зуҳро намозини ўқиш тавсия этилди

Ўзбекистонда бу йилги Қурбон ҳайити намози адо этилмайди, унинг ўрнига уйда Зуҳро намози ўқиш тавсия қилинди. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши [фатвоси](#)да сўз боради.

"Қурбон ҳайити намозида катта жамоат бир жойда жамланишини инobatга олиб, пандемия янада авж олмаслиги, вабо оқибатларини юмшатиш мақсадида шу куни ийд намози адо этилмайди, ўрнига уйда Зуҳро намозини ўқиш тавсия этилади", - дейилади фатвода.

Шунингдек, юқоридаги сабабларга кўра жума намозлари ҳам вақтинча ўқилмайдиган бўлди. Бошқа намозлар барча карантин талабларига риоя қилган, яъни ниқоб таққан ва оралиқ масофани сақлаган ҳолда, масжидларнинг очиқ саҳнларида адо этилади. Масжидларда қўл бериб ёки қучоқлашиб кўришиш қатъиян таъқиқланади.

Жаноза намозлари вафот этганнинг яқин қариндошлари иштирокида, хонадонларда ўқилади.

2021-07-17 08:51:09